



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АСОСИЙ ИМЛО ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ  
ХАҚИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги **Қонунини** бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари тасдиқлансан (илова қилинади).
2. Республика вазирлеклари, идоралари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, оммавий ахборот воситалари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги барча турдаги ёзишмаларда, матбуотда, иш юритишда ушбу қоидаларни жорий қилиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқсингилар ва амалга оширсингилар.
3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси уч ой муддат ичida мактаблар учун қўлланма сифатида ўзбек тилининг имло луғатини, киши исмлари ва жой номлари луғатларини тайёрласингилар ва нашр этиш чораларини кўрсингилар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва фан ҳамда Ижтимоий масалалар ва маданият бўйимларига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1995 йил 24 август,  
339-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сон қарорига  
ИЛОВА

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АСОСИЙ ИМЛО ҚОИДАЛАРИ**

**ҲАРФЛАР ИМЛОСИ**

**УНЛИЛАР ИМЛОСИ**

**1. А а ҳарфи:**

- 1) aka, alanga, aloqa, og'a; sentabr, noyabr каби сўзларда олд қатор кенг унлини ифодалаш учун ёзилади;
- 2) bahor, zamon; savol, gavda; vasvasa каби сўзларнинг олдинги бўғинида, vaqt, vahm каби сўзларда **а** айтилади ва ёзилади

**2. О о ҳарфи:**

- 1) ona, omon, quyosh, fido, baho, xola, lotin; mukofot, mahorat каби сўзларда орқа қатор кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.
- 2) boks, poyezd, tonna, talon; agronom, mikrofon; direktor, termos каби ўзлашма сўзлардаги унлини ифодалаш учун ёзилади.

**3. И і ҳарфи:**

- 1) ish, iz, qil; xirmon, ilhom, ikki, ixtisos, shoyi, tulki; volida, piramida; bilan, biroq, sira, qishloq, chiroq каби сўзларда олд қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади;
- 2) o'tin, o'rik, bo'lim каби олдинги бўғинида **о'** унлиси келадиган сўзларнинг кейинги бўғинида **і** айтилади ва ёзилади.

**4. У ү ҳарфи:**

- 1) uy, kun; buzoq, buloq, Buxoro; butun, uchuq, usul, yulduz; mafkura; ko'zgu, uyqu; alurnmiy, yubiley каби сўзларда орқа қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади;
- 2) qovun, sovun, tovush, yovuz, qirg'ovul, chirmovuq каби сўзларнинг олдинги бўғинида **о'** унлиси келса, кейинги ёпик бўғин бошидаги **у** ундошидан кейин **ү** айтилади ва ёзилади.

5. **О' о'** ҳарфи o't, o'q, o'zbek, o'simlik, do'ppi, bo'tako'z, semizo't, gulko'tra, noo'r'in каби сўзларда орқа қатор ўрта-кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

6. **Е е** ҳарфи ekin, esla, evara, ekran, eksport; kel, zehn; kecha, behi; telefon, teatr; poyezd, atelye; e'lon, ne'mat, she'r каби сўзларда олд қатор ўрта-кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

**7. Ёнма-ён келадиган унлилар имлоси:**

- 1) унлилар орасига баъзан ундоши қўшиб айтилса ҳам, ёзилмайди.
- a) **ia:** material, milliard, radiator; tabiat, shariat каби;
- b) **io:** biologiya, million, stadion, radio каби;
- v) **ai:** mozaika, ukrain, said, maishat каби;
- g) **oi:** alkoloid, ellipsoid, doirn, shoir, oila каби;

- д) **ea**: teatr, okean, laureat каби;  
2) **ae, oe** унлилари сўз ичидага келганда иккинчи унли у айтилса ҳам, аслига мувофиқ **e** ёзилади: aerostat, poema каби.

Бошқа ҳолларда ёнма-ён келган унлилар одатда айнан айтилади ва ёзилади: manfaat, kauchuk, aorta, saodat, burjua, shuar, inshoot, sanoat, vakuum, muammo, matbuot, tabiiy, rioya ва бошқалар.

## УНДОШЛАР ИМЛОСИ

### 8. **B b** ҳарфи:

- 1) bobo, bahor, bir, majbur, zarb каби сўзларда жарангли портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;  
2) kitob, yuzlab, kelib каби сўзлар охирида **p** айтилса ҳам, **b** ёзилади.  
3) qibia, tobia каби сўзларда баъзан **v** айтилса ҳам, **b** ёзилади;  
9. **P p** ҳарфи paxta, pichoq, ora, tera, tur, yor каби сўзларда жарангсиз портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади.

### 10. **V v** ҳарфи:

- 1) ov, suv, kufov; ovoz, savol; volida, vatan каби сўзларда овоздор сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;  
2) avtobus, avtomat каби ўзлашма сўзларда **v** баъзан **f** айтилса ҳам, **v** ёзилади.

### 11. **F f** ҳарфи:

- 1) fan, fe'l, futbol, fizika; asfalt, juft; insof, isrof каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;  
2) fasl, fayz, Fotima, fursat каби сўзларда **f** товуши баъзан **p** айтилса ҳам, аслига мувофиқ **f** ёзилади.

12. **M m** ҳарфи moy, muborak, tomon, ilhom каби сўзларда овоздор лаб-лаб бурун ундошини ифодалаш учун ёзилади.

### 13. **D d** ҳарфи:

- 1) dala, odat, bunyod, modda, jiddly каби сўзларда тил олди жарангли портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади;  
2) obod, savod, marvarid; zavod, pud, sud; badqovoq, badxo'r каби сўзларда **t** айтилса ҳам, **d** ёзилади.

14. **T t** ҳарфи tong, tun; butun, o'tin, o't, kut каби сўзларда тил олди жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

### 15. **Z z** ҳарфи:

- 1) zar, zamon, toza, o'zbek, yoz, g'oz каби сўзларда тил олди жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади;  
2) iztirob, izquvar, bo'zchi, tuzsiz каби сўзларда жарангсиз ундошдан олдин **s** айтилса ҳам, **z** ёзилади.

16. **S s** ҳарфи sog', somon, oson, asos, olmos каби сўзларда тил олди жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

17. **Sh sh** ҳарфлар бирикмаси shahar, shisha, shodlik; ishq, pishiq; bosh, tosh каби сўзларда тил олди жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

**Sh** ҳарфлари икки товушни ифодаласа, улар орасига ' тутук белгиси қўйилади: Is'hoq, as'hob каби.

18. **J j** ҳарфи:

1) jon, jahon, jiyya, tijorat; rivoj, vaj каби сўзларда тил олди жарангли қоришиқ, ундошни ифодалаш учун ёзилади;

2) jurnal, projektor; gjida, ajdar; garaj, tiraj каби ўзлашма сўзларда тил олди жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

19. **Ch ch** ҳарфлар бирикмаси choy, chevar, chiroqli, chaman; achchiq, uchun, bichiqchi; kuch, kech каби сўзларда тил олди жарангсиз қоришиқ, ундошни ифодалаш учун ёзилади.

20. **R r** ҳарфи rahmat, rohat, orom, doira, bor, diyor каби сўзларда тил олди овоздор титроқ, ундошни ифодалаш учун ёзилади.

21. **L l** ҳарфи lola, loyiq, la'1, iloj, mahal каби сўзларда сирғалувчи овоздор ён ундошни ифодалаш учун ёзилади.

22. **N n** ҳарфи :

1) поп, nomus; ona, tana; bilan, tomon каби сўзларда тил олди овоздор бурун ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) shanba, yonbosh, jonbozlik; yonma-yon, ko'rinmaslik каби сўзларда **n** товуши баъзан **m** айтилса ҳам, **n** ёзилади.

23. **G g** ҳарфи: gul, go'zal; ega, gugurt; teg, eg каби сўзларда тил олди жарангли портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

24. **K k** ҳарфи ko'1, ko'yak; uka, moki; tok, bilak каби сўзларда тил орқа жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

25. **Y** ҳарфи yo'1, yigit, yetti, yaxshi, yoz, yulduz; tuya, dunyo, tayyor; soy, tuy каби сўзларда тил ўрта сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

26. **Ng ng** ҳарфлар бирикмаси yangi, ko'ngil, dengiz, singil, keling, bordingiz; tong, ming, teng каби сўзларда тил орқа овоздор бурун товушини ифодалаш учун ёзилади.

27. **Q q** ҳарфи qizil, qimiz, qirq, haqiqiy, aql каби сўзларда чуқур тил орқа жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

28. **G' g'** ҳарфи g'oz, bag'ir, tog' каби сўзларда чуқур тил орқа жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

29. **X x** ҳарфи xabar, xo'roz, xohish, xushnud, baxt, axborot, mix каби сўзларда чуқур тил орқа жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

30. **H h** ҳарфи hosil, hanmia, bahor; isloq, nikoh каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи бўғиз ундошини ифодалаш учун ёзилади.

31. Ёнма-ён келадиган ундошларнинг имлоси:

1) baland, Samarqand, poyezd; do'st, past, artist, g'isht каби сўзларда **d**, **t** товуши баъзан айтилмаса ҳам, ёзилади;

2) metall, kilogramm, kilovatt, kongress каби ўзлашма сўзлар охирида бир ундош айтилса ҳам, икки ҳарф ёзилади. Лекин бундай сўзга худди шу товуш билан бошланадиган қисм қўшилса, сўз охиридаги бир ҳарф ёзилмайди: metall + lar = metallar, kilogramni + mi= kilogrammi каби.

32. ' — тутук, белгиси:

1) a'lo, ba'zan, ma'yus, ta'zim; ra'y, ta'b; e'lon, e'tibor, e'fciqod, me'mor', ne'mat, she'r, fe'1; Nu'mon, shu'la каби ўзлашма сўзларда унлидан кейин шу унли товушнинг чўзиқроқ айтилишини ифодалаш учун қўйилади; mo'jiza, mo'tadil, mo'tabar каби сўзларда **o'** унлиси чўзиқроқ айтилса ҳам, тутук, белгиси қўйилмайди;

2) in'om, san'at, qat'iy, mas'ul каби ўзлашма сўзларда унлидан олдин шу унли олдинги ундош товушдан ажратиб айтилишини ифодалаш учун қўйилади.

## АСОС ВА ҚЎШИМЧАЛАР ИМЛОСИ

33. Қўшимча қўшилиши билан сўз охиридаги унли ўзгаради:

1) **a** унлиси билан тугаган феълларга **-v**, **-q**, **-qi** қўшимчаси қўшилганда **a** унлиси **o** айтилади ва шундай ёзилади: sayla — saylov, sina — sinov, aya — ayovsiz; so'ta — so'roq, bo'ya — bo'yoq; o'yna — o'unoqi, sayra — sayroqi каби;

2) **i** унлиси билан тугаган кўпчилик феълларга **-v**, **-q** қўшимчаси қўшилганда бу унли **u** айтилади ва шундай ёзилади: o'qi — o'quvchi, qazi — qazuvchi, sovi — sovuq каби. Лекин **i**унлиси билан тугаган айрим феълларга **-q** қўшимчаси қўшилганда бу унли **i** айтилади ва шундай ёзилади: og'ri — og'riq, qavi — qaviq каби.

**Эслатма:**

1) ундош билан тугаган барча феълларга **-uv** қўшилади: ol oluv, yoz - yozuv каби;

2) ундош билан тугаб, таркибида **u** унлиси бор феълга **-uq** қўшилади: uz — uzuq, yut — yutuq каби. Лекин **uyushiq**, **burushiq**, **uchuriq**, **bulduriq** (шунингдек bullduriq) каби сўзларнинг учинчи бўғинида **i** айтилади ва шундай ёзилади.

34. **k**, **q** ундоши билан тугаган кўп бўғинли сўзларга, шунингдек, bek, yo'q каби айрим бир бўғинли сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда **k** ундоши **g** ундошига, **q** ундоши **g'**ундошига айланади ва шундай ёзилади: tilak — tilaging, yurak — yuragim, kubok — kubogi, bek — begi; tayoq — tayog'i, qoshiq — qoshig'i, yaxshiroq — yaxshirog'i, yo'q — yo'g'i каби. Лекин кўп бўғинли ўзлашма сўзларга, бир бўғинли кўпчилик сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда **k**, **q** товуши аслича айтилади ва ёзилади: ishtirok — ishtiroki, ocherk — ocherki, erk — erki, huquq — huqiqim, ravnaq — ravnaqi, yuq — yuqi каби.

35. Қўйидаги қўшимчалар қўшилиши билан сўзларнинг таркибида товуш тушади ёки ортади:

1) o'ren, qorin, bururi, o'g'il, bo'y in, ko'ngil каби баъзи сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, qayir, ayir каби феълларга нисбат шаклини ясовчи -**il** қўшимчаси қўшилганда, ikki, oiti, yetti сўзларига **-ov**, **-ala** қўшимчалари қўшилганда иккинчи бўғиндаги унли айтилмайди ва ёзилмайди: o'ren — o'rnim, qorin — qorni, burun — burning, o'g'il — o'g'ling, ko'ngil — ko'ngli, yarim — yarmi; qayir — qayril, ulug'—ulg'ay, sariq — sarg'ay, ikki — ikkov, ikki — ikkala, yetti — yettov каби;

2) **u**, **bu**, **sh'u**, **o'sha** олмошларига **-da**, **-dan**, **-day**, **-dagi**, **-ga**, **-gacha**, **-cha** қўшимчалари қўшилганда **n** товуши қўшиб айтилади ва шундай ёзилади: unda, burnlay, shunda, o'ahancha каби; бу олмошларга эгалик қўшимчалари қўйидагича қўшилади; buningiz, o'ahanisi каби;

3) **o**, **o**, **u**, **e** унлилари билан тугайдиган сўзларга эгалик қўшимчалари қўйидагича қўшилади:

а) кўпчилик сўзларга эгалик қўшимчалари **-m**, **-ng**, **-si**; **-miz**, **-ngiz**, **-si** (ёки **-lari**) шаклида товуш ортирилмай қўшилади: bobom, bobong, bobosi, bobomiz, bobongiz, bobosi (ёки bobolari); orzum, orzung, orzusi; orzuniiz. orzungiz, orzusi каби;

б) **parvo**, **obro'**, **mavqe**, **mavzu**, **avzo** сўзларига I, II шахс эгалик қўшимчалари қўшилганда бир у товуши қўшиб айтилади ва шундай ёзилади: parvoym, parvoying; parvoymiz, parvoyingiz; obro'yim, obro'ying; obro'yimiz, obro'yingiz каби; III шахс эгалик қўшимчаси parvo, avzo, obro', mavqe сўзларига **-y'i** шаклида, xudo, mavzu сўзларига эса **-si** шаклида қўшилади: avzoyi, mavzusi каби (dohiyu каби у ундоши билан тугаган сўзга хам III шахсда **-si** қўшилади: dohiysi каби);

4) men, sen олмошларига **-ni**, **-ning**, **-niki** қўшимчалари қўшилганда қўшимчадаги **n** товуши айтилмайди ва ёзилмайди: meni, mening, meniki; sent, sening, seniki каби.

36. Қўйидаги қўшимчаларнинг биринчи товуши икки хил айтилса ҳам, бир хил ёзилади:

1) **-bon**, **-boz** қўшимчалари баъзан **-von**, **-voz** айтилса ҳам, ҳамма вақт **-bon**, **-boz** ёзилади darvozabon, masxaraboz каби. Лекин **-vachcha** қўшимчаси ҳамма вақт шундай айтилади ва ёзилади: amakivachcha, xolavachcha каби;

2) ўрин келишиги ва чиқиши келишиги қўшимчасининг, ўтган замон ясовчиси ва III шахс кўрсаткичи **-di** қўшимчасининг бошидаги ундош баъзан **t** айтилса ҳам, ҳамма вақт **d** ёзилади; ishda, misdan, ketdi, kelmabdi каби.

37. Қўйидаги қўшимчаларнинг бош товуши икки ёки уч хил айтилади ва шундай ёзилади:

1) тақлид сўзлардан феъл ясовчи **-illa** (**chirilla**, **taqilla**) қўшимчаси сўз таркибида **v** ёки **u** товуши бўлганда **-ulla** айтилади ва шундай ёзилади: shovulla, lovulla, gurulla каби;

2) нисбат шаклини ясовчи **-dir** қўшимчаси жарангли ундош билан тугаган бир бўғинли сўзларга (kel сўзидан бошқа), шунингдек, **z** ундоши билан тугаган ортирила нисбат ясовчисидан кейин қўшилади: quvdir, egdir,

kuldir, yondir; o'tkazdir, tomizdir каби. Қолган барча ҳолларда бу қўшимча - **tir** айтилади ва шундай ёзилади: tiktir, kestir, uyaltir, chaqirtir каби;

3) жўналиш қўшимчаси қўшимчаси **-ga**, чегара билдирувчи **-gacha**, равищдош шаклини ясовчи **-gach**, **-guncha**, **-gani**, **-gudek**, сифатдош шаклини ясовчи **-gan**, буйруқ майлининг иккинчи шахс қўрсаткичи **-gin**, шунингдек **-gina** қўшимчаси уч хил айтилади ва шундай ёзилади:

а) **k** ундоши билан тугаган сўзларга қўшилганда бу қўшимчаларнинг бош товуши **k** айтилади ва шундай ёзилади: tokka, yo'lakkacha, ko'nikkach, zerikkuncha, to'kkani, kechikkudek, bukan, ekkin, kichikkina каби;

б) **q** ундоши билан тугаган сўзларга қўшилганда бу қўшимчаларнинг бош товуши **q** айтилади ва шундай ёзилади: chopiqqa, qishloqqacha, yoqqach, chiqquncha, chiniqqani, qo'rqqudek, achchiqqina каби;

в) қолган барча ҳолларда, сўз қандай товуш билан тугашидан ва бу қўшимчаларнинг бош товуши **k** ёки **q** айтилишидан қатъи назар, **g** ёзилади: bargga, pedagogga, bug'ga, sog'ga, og'gan, sig'guncha каби.

## ҚЎШИБ ЁЗИШ

38. **Xona, nota, poya, bop, xusli, ham, baxsh, kam, umum, rang, mijoz, sifat, talab** каби сўзлар ёрдамида ясалган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: qabulxona, tabriknoma, taklifnoma, bedapoya, ommabop, xushxabar, hamsuhbat, orombaxsh, kamquvvat, bug'doyrang, umumxalq, sovuqmijoz, devsifat, suvtalab каби.

39. **-(a)r** (инкор шакли — **-mas**) қўшимчаси билан тугайдиган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: o'rribosar, otboqar, cho'lquvar, ishyoqmas, qushqo'nmas каби.

40. Такрор тақлид сўзларга қўшимча қўшиш билан ясалган от ва феъллар қўшиб ёзилади: pirpirak (pir-pir+ak), bizbizak (biz-biz+ak), hayhayla (hay-hay+la), gijgijla (gij-gij+la) каби.

41. Нарсани (предметни) бошқа бирор нарсага нисбатлаш (қиёслаш), ўхшатиш йўли билдирувчи қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: karnaygul, qo'ziqorin, otquloq, oybolta, devqomat, sheryurak, bodomqovoq, qirg'iuko'z каби.

42. Нарсани унинг ранги, мазаси, ўзидаги бирор нарсаси ва шу каби белгилари асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: olaqarg'a, qizilishton, achchiqtosh, mingoyoq каби.

43. Нарсанинг бирор мақсад, иш учун мўлжалланганлигини билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: kirsovun, q'iyumataxta, tokqaychi, oshrayhon, molqo'ra, nosqovoq, ko'zoynak каби.

44. Нарсани жойга нисбат бериш асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: tog'olcha, cho'lyalpiz, suvilon, qashqargul каби.

45. Маросим, афсона кабиларни билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: kiruyudi, kelintushdi, qoryog'di, Urto'qmoq, Ochildasturxon каби.

46. Қаратувчили бирикманинг бир сўзга айланиши билан юзага келган қўшма отлар қўшиб ёзилади: mingboshi, so'zboshi, olmaqoqi каби.

47. Иккинчи қисми турдош от билан ёки обод сўзи билан ифодаланган жой номлари қўшиб ёзилади: Yangiyo'1, To'rtko'1, Mirzacho'1, Sirdaryo, Kosonsoy, Yangiobod, Xalqobod каби. Лекин иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номлари ажратиб ёзилади: O'rta Osiyo, Ko'hna Urganch, O'rta Chirchiq каби.

48. Рус тилидан айнан ўзлаштирилган ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ҳосил қилинган қўшма сўзлар қўшиб ёзилади: kinoteatr, radiostansiya, fotoapparat, elekrotexnika; teleko'rsatuv, yarimavtomat, bayramoldi, suvosti каби.

49. Қисқартмаларнинг барча турлари ва уларга қўшиладиган қўшимчалар қўшиб ёзилади: SamDU, ToshDUning каби. Лекин ёнма-ён келган икки қисқартма ажратиб ёзилади: O'zXDP МК (O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi markaziy kengashi) каби.

50. Бир товуш икки ва ундан ортиқ товуш тарзида айтилса, бундай ҳолат ҳарфни такрор ёзиш билан кўрсатилади: yo'o'q, nima, himm, ufff каби.

## ЧИЗИҚЧА БИЛАН ЁЗИШ

51. Жуфт сўз ва такрор сўз қисмлари чизиқча билан ёзилади: el-yurt, mehr-shafqat, qovun-tarvuz, omon-eson, kecha-kunduz, yozin-qishin, asta-sekin, uch-to'rt, o'n-o'n beshta (10—15) bilinar-bilinmas, bordi-keldi, kuydi-pishdi, don-dun, oz-moz, mayda-chuyda, aldab-suldab, o'ylab-netib, so'ramay-netmay, kiyim-kechak, adi-badi, ikir-chikir, duk-duk, taq-tuq, qop-qop, ming-ming (ming-minglab), bitta-bitta (bitta-bittalab), baland-baland, chopa-chopa, ishlay-ishlay, yaqin-yaqinlargacha, hamma-hammasi, uy-uyiga, ich-ichidan каби.

### Эслатма:

1) жуфт сўздан қўшимча ёрдамида ясалган сўзлар ҳам чизиқча билан ёзилади: baxt-saodatli, xayr-xo'shlashmoq каби;

2) жуфт сўз қисмлари орасида -и (-у) боғловчиси келса, ундан олдин чизиқча қўйилади ва жуфт сўз қисмлари ажратиб ёзилади: do'st-u dushman (do'st-dushman), kecha-yu kunduz (-kecha-kunduz) каби;

3) етакчи ва қўмакчи феъл бир хил шаклда бўлса, чизиқча билан ёзилади: yozdi-oldi, borasan-qo'yasan, uxbabman-qolibman каби.

52. Белгини кучайтирувчи qip-qizil, yam-yashil, dum-dumaloq, kupper-kunduzi, to'ppa-to'g'ri, bab-baravar каби сўз шакллари чизиқча билан ёзилади (лекин орроқ сўзи қўшиб ёзилади).

53. Сўзнинг **-ма**, **ба-** ёрдамида бирлашган қисмлари чизиқча билан ёзилади: ko'chama-ko'cha, uuma-uy, rang-barang, dam-badam каби. Лекин мустақил ишлатилмайдиган қисм қатнашса, бундай сўзлар қўшиб ёзилади. ro'baro', darbadar каби.

54. Рус тилидан айнан ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан олинган сўзлар аслига мувофиқ чизиқча билан ёзилади: unter-ofitser, kilovatt-soat каби.

55. **-chi, -a (ya), -ku, -u (-yu), -da, -e, -ey (-yey)** юкламалари чизиқча билан ёзилади: sen-chi, boraylik-chi, sen-a, kutaman-a, bola-ya, mingta-ya, keldi-ku, kelgan-u, yaxshi-yu, yaxshi-da, qo'y-e, yashang-e, o'g'lim-ey, keldi-yeу каби. Ammo **-mi, oq(-yoq), -ov(-uov), -gina (-kina ,qina)** юкламалари ўзидан олдин келган сўзга қўшиб ёзилади: keldimi?, keliboq, o'ziyoq, ko'rganov, ko'rdiyov, mengina, qo'shiqqina каби.

56. Тартиб сон араб рақамлари билан ёзилса, **-nchi** қўшимчаси ўрнига чизиқча (-) қўйилади: 7-sinf, 5-«A» sinfi, 3-, 7-, 8-sinf o'quvchilari, 60-yillar, 1991-yilning 1-sentabri каби. Тартиб сонни қўрсатувчи рим рақамларидан кейин чизиқча ёзилмайди: XX asr, X sinf каби.

## АЖРАТИБ ЁЗИШ

57. Кўшма феълнинг қисмлари ажратиб ёзилади: sarf qil, ta'sir et, tamom bo'1, sotib ol, olib kel, olib chiq, rniq etma каби.

58. Кўмакчи феъл ва тўлиқсиз феъл мустақил феълдан ажратиб ёзилади: aytib ber, olib ko'r, so'rab qo'y, ko'ra qol, bera boshla, uygila yozdi; ketgan edi, ketgan ekan, ketgan emish каби. Лекин мустақил феъл билан ёрдамчи феъл орасида товуш ўзгариши бўлса, бундай қисмлар қўшиб ёзилади: ayhaver (ayta ber), boroladi (bora oladi), bilarkan (bilar ekan) каби.

59. Кўмакчилар ажратиб ёзилади: shu bilan, soat sayin, borgan sari, bu qadar, kun bo'yi каби Лекин **bilan** кўмакчининг **-la** шакли, **uchun** қўшимчасининг **-chun** шакли чизиқча билан ёзилади: sen-la, sen-chun каби.

60. **Hamma, har, hech, bir, qay, u, bu, shu, o'sha** сўзлари ўзидан кейинги ёки олдинги сўздан ажратиб ёзилади: hamma vaqt, har kim, hech qaysi, qay kuni, u yerda, shu yoqdan, o'sha yoqqa каби. Лекин birpas, biroz, birato'la, birvarakayiga, birmuncha, buyon сўзлари қўшиб ёзилади. Шунингдек, **qay** сўзи yoq, yer сўзлари билан ишлатилганда бир у товуши тушса, бу сўзлар қўшиб ёзилади: qayyoqqa, qayerda каби.

61. Сифат олдидан келиб, белгининг ортиқ ёки камлигини билдирадиган to'q, jiqqa, him, liq, lang, och sariq каби сўзлар ажратиб ёзилади: to'q qizil, jiqqa ho'1, tim qora, liq to'la, lang ochiq, och sariq каби.

62. Мураккаб сон қисмлари ажратиб ёзилади o'n bir, besh yuz, qirq ming olti yuz bir, bir ming yetti yuz sakson beshinchи каби.

63. Yildan yilga, tomdan tomga каби биринчи қисми чиқиш келишигига, иккинчи қисми жўналиш келишигига бўлган бирикмалар ажратиб ёзилади.

64. Белгининг ортиқ даражасини билдирувчи ko'pdan ko'p, tekindan tekin, yangidan yangi, ochiqdan ochiq, qizigandan qizidi кабилар ажратиб ёзилади.

65. Изофали бирикмалар ажратиб ёзилади. Бунда изофа ундош билан тугаган сўзларга **и** шаклида, унли билан тугаган сўзларга **уі** шаклида кўшилади: dardi bedavo, nuqtayi nazar, tarjimayi hol каби. Лекин изофа ёзилмайдиган сўзлар, шунингдек, қисмларидан бири ёки ҳар иккиси ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган сўзлар қўшиб ёзилади: gulbeor (guli beor), dardisar каби.

## БОШ ҲАРФЛАР ИМЛОСИ

66. Кишининг исми, ота исми, фамилияси, тахаллуси, рамзий атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: Dilbar, O'rinova, Muhabbat Majidovna, Azamat Shuhrat o'g'li, Hamza Hakimzoda, Muhammadsharif So'fizoda, Mannon Otaboy, Navoiy, Furqat; Yelpig'ichxon, Salomjon Alikov каби.

67. Жой номлари бош ҳарф билан бошланади: Andijon, Yangiyo'l (шаҳарлар), Naymancha, Buloqboshi (қишлоқлар), Bodomzor, Chig'ato'y (маҳаллалар), Zavraq (дара), Yarqoq (яйлов), Qoratog', Pomir (тоғлар), Oqtepa, Uchtera (тепалар), Zarafshon, Sirdaryo (дарёлар), Yoymalma (канал); Turkiya, Hindiston (мамлакатлар) каби. Бундай атоқли от таркибидаги сифатловчи ҳам бош ҳарф билан ёзилади: Shimoliy Kavkaz, Markaziy Qizilqum каби.

68. Юлдуз ва сайёralар, бошқа хил осмон жисмларининг атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: Hulkar, Qavs, Mirrix (юлдуз ва сайёralар номи), Tinchlik dengizi (Ойдаги рельеф номи) каби. Yer, quyosh, оу турдош отлари сайёра номи бўлиб келгандагина бош ҳарф билан ёзилади: Yer Quyosh atrofida, Oy Yer atrofida aylanadi.

69. Маданий-маиший ва савдо корхоналарига, адабиёт ва санъат асарларига, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига, шунингдек, транспорт воситалари, спорт иншоотларига қўйилган номлар бош ҳарф билан бошланади: «Tong» (мехмонхона), «Saodat» (фирма), «Navro'z» (хайрия жамғармаси), «Kamalak» (матбаа бирлашмаси), «G'uncha» (боғча), «Botanika» (санаторий), «Paxtakor» (стадион), «Qutlug' qon» (роман), «Dilorom» (опера), «Tanovar» (куй), «Ozodlik» (ҳайкал), «Jasorat» (ёдгорлик), «Sino» (совутгич) каби.

70. Мухим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: Mustaqillik kuni, Xotira kuni, Amazon hayiti, Navro'z bayrami каби.

71. Давлатларнинг, давлат олий ташкилотлари ва мансабларининг, халқаро ташкилотларнинг номидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: O'zbekiston Respublikasi, Rossiya Federatsiyasi, Misr Arab Respublikasi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Raisi, O'zbekiston Respublikasi Oliy Sudining Raisi, Birlashgan Millatlar Tashkiloti, Jahon Tinchlik Kengashi каби.

Бошқа таркибли номларда олий мансабни билдирувчи биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: Bosh vazirning o'rinosari, Mudofaa vaziri, Yozuvchilar uyushmasi, O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasi каби.

Вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар номи таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: *Sog'liqni saqlash vazirligi*, *Fan va texnika davlat qo'mitasi*, *Fanlar akademiyasi*, *Tilshunoslik instituti* каби.

72. Давлатнинг олий даражали мукофоти номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: «O'zbekiston Qahramoni» (унвон), «Oltin Yulduz» (медаль). Бошқа мукофотлар, фахрий унвонлар, нишонлар номидаги биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: «Sog'lom avlod uchun» (орден), «O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi» (фахрий унвон), «Matbaa a'lochisi» (нишон) каби.

73. Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади. *Yer fcagidan Muqaddasga bir qarab oldim* (О. Ёқубов).

#### Эслатма:

1) кўчирма гапдан кейин келган муаллиф гапининг сўзи (агар у атоқли от бўлмаса) кичик ҳарф билан ёзилади: «Bu men», — *qo'rqibgina javob berdi ko'laga* (О.Ёқубов);

2) хатбошига гапнинг саналувчи қисмлари чиқарилганда бундай қисмлар олдидан чизиқ қўйилади ва улар кичик ҳарф билан ёзилади:

*Ma'muriy huquqbuzarlik to'g'risidagi ishni ko'rishga tayyorlash vaqtida tegishli organ (mansabdar shaxs) quyidagi masalalarni:*

— *mazkur ishni ko'rib chiqish uning huquq doirasiga kirish-kirmasligini;*

— *ma'muriy huquqbuzarlik to'g'risidagi protokol va ishga oid boshqa materiallar to'g'ri tuzilgan-tuzilmaganligini... hal qiladi;*

3) гапнинг қисмлари қавсли рақам ёки қавсли ҳарф қўйиб саналса, бундай қисмлар ҳам кичик ҳарф билан ёзилади:

*Hozirgi o'zbek adabiy tilining lug'at boyligi asosan besh manda negizida tarkib topgan: 1) umumturkiy so'zlar, 2) o'zbekcha so'zlar, 3) tojik tilidan kirgan so'zlar, 4) arab tilidan kirgan so'zlar, 5) rus tilidan kirgan so'zlar* («Ўзбек тили» дарслигидан).

74. Таркибли номларнинг бош ҳарфидан иборат қисқартмалар, атоқли от бўлмаган баъзи бирикмаларнинг қисқартмалари бош ҳарф билан ёзилади: AQSH (Amerika Qo'shma Shtatlari), ВМТ (Birlashgan Millatlar Tashkiloti), AES (atom elektr stansiyasi) каби. Қисқартма таркибида бўғинга teng қисм бўлса, унинг биринчи ҳарфгина бош ҳарф билан ёзилади: ToshDTU (Toshkent davlat texnika universiteti) каби.

## КЎЧИРИШ ҚОИДАЛАРИ

75. Кўп бўғинли сўзнинг олдинги сатрга сифмай қолган қисми кейинги сатрга бўғинлаб кўчирилади *to'q-son*, *si-fatli*, *sifat-li*, *pax-takor*, *paxta-kor* каби. Тутуқ белгиси олдинги бўғинда қолдирилади. *va'-da*, *ma'-rifat*, *mash'-al*, *in-om* каби.

76. Сўзнинг бош ёки охирги бўғини бир ҳарфдан иборат бўлса, улар кўйидагича кўчирилади:

1) сўз бошидаги бир ҳарфдан иборат бўғин ёлғиз ўзи олдинги сатрда қолдирилмайди: a-badiy эмас, aba-diy, e-shikdan эмас, eshik-dan каби;

2) сўз охиридаги бир ҳарфдан иборат бўғин ёлғиз ўзи кейинги сатрга кўчирилмайди' mudofa-а эмас, mudo-faa, mafcba-а эмас, mat-baa каби.

77. Ўзлашма сўзларнинг бўғинлари чегарасида келган икки ёки ундан ортиқ ундош қўйидагича кўчирилади:

1) икки ундош келса, улар кейинги сатрга биргаликда кўчирилади diagramma, mono-grafiya каби;

2) уч ундош келса, биринчи ундош олдинги сатрда қолдирилиб, қолган икки ундош кейинги сатрга кўчирилади: silin-drik каби.

78. Бир товушни кўрсатувчи ҳарфлар бирикмаси (**sh**, **ch**, **ng**) биргаликда кўчирилади: pe-shayvon, pe-shona, mai-shat, pi-choq, bi-chiq-chi, si-ngil, de-ngiz каби.

79. Бош ҳарфлардан ёки бўғинга teng қисм ва бош ҳарфдан иборат қисқартмалар, шунингдек кўп хонали рақамлар сатрдан сатрга бўлиб кўчирилмайди. AQSh, ВМТ, ToshDU, 16, 245, 1994, XIX каби.

80. Ҳарфдан иборат шартли белги ўзи тегишли рақамдан ажратиб кўчирилмайди: 5-«A» sinfi, V «B» guruhi, 110 gr, 15 ga, 105 m, 25 sm, 90 mm каби.

81. Атоқли от таркибига кирадиган рақам номдан ажратилган ҳолда кейинги сатрга кўчирилмайди: «Navro'z—92» (фестиваль), «O'qituvchi—91» (кўрик танлов), «Andijon—9», «Termiz—16» (фўза навлари), «Boing—767» (самолёт), «Foton—774» (телефизор) каби.

82. A.J. Jabborov, A.D. Abduvaliyev кабиларда исмнинг ва ота исмининг биринчи ҳарфига teng қисқартмалар фамилиядан ажратиб кўчирилмайди. Шунингдек v.b. (va bohqalar), sh.k. (shu kabilar) сингари ҳарфий олдинги сўздан ажратиб кўчирилмайди.